ТАШҚИ МЕҲНАТ МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИДА ЁШЛАРНИНГ ИШТИРОКИ


Кенжаев Шавкатжон Хусанович
ГулДУ Ижтимоий фанлар кафедраси доценти

Маълумки, ҳозирги кунда дунё мамлакатлари томонидан амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий соҳалардаги ислоҳатлар замирида ташқи меҳнат миграциясини тартибга солиш борасидаги ишларни такомиллаштириш дунё ҳамжамиятининг олдида турган асосий вазифаларидан бири сифатида еътироф етилмоқда. Халқаро миграция ташкилоти (ХМТ)нинг 2019 йил маълумотларига кўра, дунё аҳолисининг 3.5 фоизи (271 642 105 киши) ташқи меҳнат миграцияси иштирокчиларидир ва бу рақам сўнги йилларда янада ортиб бормоқда. Асосий еътиборли жиҳатлардан бири шундаки, дунё мигрантлари орасида 15-29 ёш оралиғидагилар 20,9 фоизни ташкил етаётганлиги ушбу масалага янада кўпроқ еътибор бериш кераклигини талаб етади.

Республика аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий маркази йиллар давомида республикадан ташқарига меҳнат фаолиятини юритиш учун чиқиб-келаётган мигрантлар орасида социологик тадқиқотлар ўтказиб келади. Ўрганишлар асосида олинган маълумотлар таҳлилий хулосалар кўринишида кенг оммага тақдим етиб борилади. Ушбу ўрганишлар доирасида амалга оширилаётган таҳлиллар меҳнат миграцияси иштирокчиларининг ижтимоий-демографик таркиби, ташқи меҳнат миграция жараёнлари омиллари, йўналишлари, географиясини аниқлаш, мигрантларнинг хориждаги яшаш, меҳнат шароитлари, даромадларини баҳолаш, уларнинг келгуси режалари, ўзлари яшайдиган жойдаги иш топиш имкониятлари хусусидаги меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш юзасидан фикр ва таклифларини ўз ичига олган. Айтиш жоизки, ташқи меҳнат миграцияси масалаларини ўрганиш бўйича 2017 – 2021 йиллар мобайнида олиб борилган таҳлилий хулосалар шуни кўрсатмоқдаки, ташқи меҳнат бозорида фаолият юритаётган мигрантларнинг 3Ғ5 қисми ўрта махсус маълумотга ега шахслар бўлиб, сўнгги йилларда бу кўрсаткич сезиларли ўсиб бораётганлигини кузатишимиз мумкин. Бунинг асосий сабабларидан бири сифатида 30 ёшгача ҳамда касб-ҳунар коллежлари битирувчиси бўлган ёшларнинг ташқи меҳнат миграциясидаги иштироки кескин ортиши билан изоҳланмоқда. Аниқланган таҳлилларга кўра жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатни қониқарли

емаслиги натижасида қишлоқ аҳолиси шаҳарликларга нисбатан ёшликдан хорижга чиқиб ишлашга интилиши аниқланган. Демакки, бундай маълумотлар ҳудудлардаги инфраструктурани яхшилаш орқали чет елга ҳеч қандай кафолациз кетаётган укувсиз ва тажрибага эга бўлмаган ёш мигрантлар сонини камайтириш мумкинлиги ҳақидаги таклифларни тасдиқлайди. Қуйида ёшларнинг миграцияга киришишига туртки бўладиган асосий сабаблар кўрсатилган.

2017–2021 йиллардаги тадқиқот натижаларига кўра, яшаш жойида юқори ҳақ тўланадиган ишнинг йўқлиги сабаб ёшлар орасида хорижга меҳнат қилишга кетувчилар сони ўтган йилларга нисбатан ортганлиги кузатилди. (1-расм)



Бу кўрсатгич 2019 йилга нисбатан 2021 йилда деярли 57 фоизга етган. Айниқса 2018 йил давомида истеъмол товарлари, коммунал, транспорт, маиший ва бошқа хизматларнинг нархларини норасмий секторда банд аҳолининг даромадларига нисбатан тез суръатларда ортиши хорижга меҳнат қилишга кетувчи мигрантларнинг кўпайишига олиб келган, 2019 йилда еса бу рақамларда бироз турғунликни кузатишимиз мумкин. Шу билан биргаликда тадбиркорликка қизиқиш билдирган, яъни тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун сармоя тўплаш мақсадида хорижга борувчи ёшлар сонида шу йиллар даврига нисбатан ўсиш тенденцияси кузатилди.

Кузатувлардан яна шулар маълум бўлдики, мигрантларнинг аксарияти, яъни 45,2 фоизи сўнгги 3 йил (2017-2019 йиллар) мобайнида меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга бориш бўйича пассив ҳаракатланаётганликларини таъкидлаб бу кўрсаткич енг кўп Жиззах вилоятида (68,0%) кузатилган бўлса, енг кам Қорақалпоғистон Республикаси (14,7%) ва Хоразм (19,3%) вилоятларида кузатилди. Мамлакатимизнинг шимолий қисмида жойлашган ушбу ҳудудлар аҳолиси Қозоғистон Республикаси ва Россия Федерациясига яқин жойлашганлиги сабабли тез-тез бориб туришлари кузатилди. Масалан, Хоразм вилояти мигрантларининг 2Ғ5 қисми ва Қорақалпоғистон Республикаси мигрантларининг 1Ғ3 қисми сўнгги 3 йил мобайнида республиканинг бошқа вилоятларига нисбатан хорижга бир нечамаротаба кўпроқ бориб келаётганликлари кузатилган. Маълумки мигрантларнинг кўпчилиги Россия Федерациясида меҳнат қилишади ва олинган маълумотларга кўра 15-29 ёш мигрантлар таркибида бу давлатда меҳнат қилганларнинг енг кўп қисми Қашқадарё (12,9%), Андижон (12,1%) ва Самарқанд (11,6%) вилояти ёшлари ҳиссасига тўғри келади. Аҳолиси мавсумий Қозоғистон Республикасида меҳнат қилишади ва ушбу давлатда меҳнат қилганлар тадқиқотда иштирок етган мигрант ёшларнинг 29,5 фоизини ташкил етган. Ўтган йилларда ёш мигрантларимиз сони кескин ортиб бораётган Туркия давлатида меҳнат қилувчилар асосан Тошкент шаҳри (23,2%), Тошкент вилояти (19,9%), Андижон (17,9%) ва Самарқанд (19,2%) вилоятлари аҳолиси ҳиссасига тўғри келди. Жанубий Кореяга бориб меҳнат қилганларнинг аксарият қисми, яъни 2Ғ5 қисми 23,5 фоизи Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри ёшларига тўғри келган. Узоқ хорижга борган мигрантларнинг ярмидан

ортиғи (53,6%) Тошкент шаҳар мигрант ёшлари ҳисобига еканлиги аниқланган. Бундан маълумки шаҳар ёшларида хорижий тил ўрганишга шароит ва муҳит қулайроқ еканлиги уларни узоқ чет ел мамлакатларнинг тилини ва маданиятини ўрганиб турли дастурлар асосида нисбатан ишончли ва даромадлироқ фаолиятларни танлаш имкониятларини кўпайтиради. Тадқиқотнинг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, изланишлар давомида 30 ёшгача бўлган мигрантларнинг иш билан бандлик имкониятлари ва режалари тўғрисида батафсил маълумотлар олинди. Кутилганидек, уларнинг аксарияти ўрта махсус маълумотга ега бўлган ёшлар еканлиги аниқланди. Шу сабабли дастлаб улардан олий ўқув юртлари ёки касб-ҳунар коллежларини битирганлар учун ишга жойлашишдаги яратилган имтиёзлар ҳақида маълумотлар олинди. Афсуски, уларнинг 80.9 фоизи имтиёзлар ҳақида маълумотга ега емасликларини айтиб ўтдилар. Жавобларда йигит ва қизлар ўртасида деярли фарқ кузатилмаган бўлса-да, ҳудудлар ўртасида сезиларли тафовутни кўришимиз мумкин. Енг катта кўрсаткичлар Жиззах (98,8%),Бухоро (95,5%), ва Самарқанд вилоятларида (94,7%) кузатилди. Ушбу ёшдаги мигрантлардан тадбиркорликни ташкил етиш борасида саволлар сўралганда, улардан 89,0 фоизи имтиёзли (кам фоизли) кредитлар ҳақида маълумотга ега еканлиги маълум бўлди. Таъкидлаш жоизки, юқорида кўзда тутилган имтиёзлардан фойдаланиш кўрсаткичи 2019 йилда ўтган йилга нисбатан 12,9 фоизга кўтарилган. Қувонарлиси шундаки, сўнгги тўрт йиллик динамиканинг таҳлилига кўра ўзи яшайдиган туман ёки вилоятда муносиб ишга жойлашганлиги сабабли 2019 йилда хорижга қайтиб бормаган ёшлар сони 2017 йилга нисбатан анча кўпайган ва мос равишда 18,0 фоиздан 34,7 фоизгача ошган. Бу рақамларни ошганлигининг сабабларидан яна бири ёшларимизнинг олий таълим муассасаларига кириш имкониятларини орттирувчи ислоҳотлардир. Олий даргоҳларга кириш имтиҳонларини соддалашиши, коррупцияга қарши чоралар, ОТМлар сони ва қабул квоталарининг кўпайганлиги, шунингдек абитуриентларга яратилган кўплаб қулайликлар уларнинг чет елга пул топиш учун ундайдиган сабабларни бироз бўлсада камайтирди.

Мазкур ўрганилган таҳлилий хулосалардан келиб чиқган ҳолда: Биринчидан, Ўзбекистонда ташқи меҳнат миграциясини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштиришда ташқи меҳнат миграциясини мониторинг қилишнинг доимий механизмини жорий қилиш, шу жумладан танланма ижтимоий тадқиқотлар ўтказиш орқали қабул қилувчи мамлакатлар билан меҳнат мигрантлари муаммоларини бартараф етувчи икки томонлама ҳукуматлараро битимларни тузиш механизмини кучайтириш. Иккинчидан, чет елда мигрантларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича асосий кўрсаткичларини мунтазам равишда (ойлик) кузатиш орқали қайтиб келган ёш мигрантлар сегментини дифференциал ёндашув асосида фаол равишда ишга жойлаштириш ва ихтисослаштирилган иш жойларини яратиш масаласини ҳал қилиш. Учинчидан, меҳнат мигрантларининг статистикасини ва ҳисобга олишнинг янги тизимини жорий етиш, миграцияни махсус усул ва методларини ўрганиш, ишончли маълумот тўплаш учун тўла ҳуқуқли тизимни жорий қилиш зарурлиги ушбу масалани мунтазам ўрганишнинг асосий воситаси бўлиб хизмат қилади. Шубҳасиз, миграция статистикасини йиғиш, шакллантириш ва таҳлил қилишнинг халқаро принципларини ўрганиш ва амалга ошириш зарур. Фақат шу тарзда самарали миграция сиёсатини ишлаб чиқиш мумкин. Мигрант ёшларнинг сони, таркиби, меҳнат миграциясининг иқтисодий кўрсаткичлари тўғрисидаги ҳақиқий (реал) ва тўлиқ маълумотларга ега бўлмасдан туриб, ижобий ва салбий оқибатларини аниқлаш мумкин емас. Айниқса, бугунги кунда Ўзбекистоннинг Халқаро миграция ташкилоти фаолиятида иштирок етган ҳолда кузатувчи сифатида қатнашишини таъминлаш, ушбу мураккаб жараённи тартибга солишнинг асоси бўлиб хизмат қилади.